



adabiyot ISLAMONLINE.UZ

Телбага айланган чоллар...

Баъзи дастур ва рисолаларда турли машхур шахсларнинг эътиборга молик сўзлари янграйди. Ана шу сахифаларда Гёте, Толстой ва бошка бир катор жаҳон дурдоналарига муаллифлик килган дахоларнинг эътиқодий икрорлари муҳлисларга тортиқ этилади. Биз бироз атеистик рух хукмронлик килган даврда яшаганимиз боисми, юкорида номлари зикр килинган шахсларнинг бу икрорларига бироз шубха килдим. Аммо...

Бу ерда шубханинг ўрни йўқ. Мен шахсан Гёте бўладими, Толстой бўладими, умрининг охирида шариати исломияни кабул килибди, деса ажабланмайман. Чунки уларнинг асарларини ўқиган инсон жуда яхши биладики, Толстой хам, Гёте хам холис одамлар бўлишган. Буюк адилларни бирлаштириб турадиган бир жихат бор: улар кандай услубда асар ёзган бўлмасинлар, бош максадлари инсониятнинг баҳт саодати бўлган. Буюк тажрибалар шуни кўрсатдики, холис, чин калдан хакикатни излаган киши албатта ИСЛОМни кабул киласди. Бизда одамлар сизга ўхшаб фикрлашга ўрганиб колишган: "Йўг-э, Толстой Аллохни ягона илоҳ деганми, Гёте пайгамбаримизга багишлаб шеърлар

ёзганми?" деган саволларнинг замирида исломга нисбатан хурматсизлик ётади. Таникли шахслар хакида гапиришни бошлаганимда, таниш акаларимиздан бири мендан сўраб колди: "Толстой ростдан мусулмон бўлганми?" деб. Мен ундан сўрадим: "Нега ажабланяпсиз? Нима бўпти мусулмонликни кабул килган бўлса?" "Йўк, - дедиyo, жим бўлиб колди. Мен шунда ундан яна сўрадим: "Ака, хафа бўлманг-у, сиз Толстойни буюк даҳо деб биласиз, шунга ишонасиз. Аммо исломни хак дин дейсиз-у, унчалик ишонмайсиз. Агар сиз мукаддас динимизни хакки рост Аллохнинг дини деб билганингизда, биласизми нима дердингиз: "Хўп, Толстой мусулмон бўлган эрса нима бўпти? Агар у чиндан хам калимаи тавхидни айтиб кетган бўлса, бу унинг ютуги, исломнинг эмас. Аллохнинг дини Толстой ва Гётенинг икрорига муҳтоҷ эмас, балки "буюк даҳолар"нинг ўзлари исломга муҳтоҷдирлар".

Кимдир менга шу ерда савол бериб колади: "Хўп, сиз уларни исломни кабул килган деяпсиз. Аммо Гёте ва Толстой яшаган мухитда уларга хак калималарни ким етказиши мумкин? Улар кайси мазхабда бўлишган?"

Хакикатни Аллоҳ етказади. Албатта, турли сабаблари билан. Кейин, бир нарсанни яхши билиб олингки, хар кандай инсоннинг калби бор, юраги бор, иймонга чорловчи раҳмоний туйгулари бор. Ана шу туйгулар инсонни бир умр силкитиб туради. Бизга университетда Толстой хакида хам, Гёте хакида хам маълумот беришган. Биласизми, мени нима ажаблантирган: уларнинг иккиси хам рус ва немис халки учун кадрли бўлган ва умрларининг охирида "телба бўлиб колишган". Кизиг-а, дунё адабиётини елкасида тутиб турган бу икки даҳони осонгина, икки жумлада: "хәётларининг охирида телба чол бўлиб колишибди" деган таъриф остига солиб кўя колишса? Сиз шубхаланмайсизми бу сўзларга? "Телбалар"нинг бир пайтлар - "акллари етук" даврда ёзган китобларини кўзларига суртишади-ю, умрларининг охирида айтган васиятларини мактаб дастурларидан олиб ташлашади. Инсофсизлик бу! Мен бу холатни талабалик давримдаги бир воеага ўхшатаман. Университетда ўқиб юрган махалларим рус адабиётидан бир аёл дарс берарди. Толстойни жуда яхши кўрганидан, деярли хар дарсда унинг асаридан иктибос келтиради. Бир куни бир дўстим китмирлик килиб ундан сўради: "Кечирасиз, сиз Толстойни жуда яхши кўрасиз. Унинг асарларига жиддий эътибор берадиган бўлсак, Лев Николаевич яхши образ сифатида намойиш этган аёлларнинг аксари уйда ўтирадиган, салобатли ва кўчага чикканларида ёпинчикларини ёпиб юрадиган аёллар экани ойдинлашади. Толстой: "Аёлнинг гўзаллиги уйдан ташкарига чикса, унга путур ётади", деган. Нега сиз Толстойни яхши кўрсангиз, унинг фикри билан хисоблашмайсиз?"

Ўшанда ўқитувчимиз нима деб жавоб берган, биласизми: "Толстойнинг шу фикрларига каршиман!!!"

Ажабо, "умрининг охирида телба чол бўлиб колди" дегувчилар накадар шу аёлга ўхшашлар-а!